

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил апрель ойининг 24 кунида, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Катта ариқ” МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья З.Ахмедова, судья ёрдамчиси Д.Давроновнинг котиблигида, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Киличев, судланувчи А.И.Атоев ва унинг ҳимоячиси адвокат С.Шермамедовларнинг иштирокида, Атоев Ақобир Исроиловичга нисбатан №1-1401-2502/303-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра :

Судланувчи: **Атоев Ақобир Исроилович** (Atoyev Akobir Isroilovich), 1973 йил 21 январь куни Самарқанд туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини мукаммал билади ва таржимон хизматига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, судланмаган, ишсиз, Самарқанд тумани, “Кўлбаиёён” МФЙга қарашли, Боғитилло кўчаси 6-уйда яшайди, унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 2025 йил 11 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокара ҳамда судланувчининг охириги сўзини эшитиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Атоев Ақобир Исроилович, 2024 йил 28 декабрь куни Жанубий Корея Республикаси Сеул шаҳрида бўлиши давомида, терговда олиниш манбаи аниқланмаган йўллар билан олинган 300 дона “Прегеава капсулы 300 мг Прегебалин” номли дори воситаларини ўзига тегишли бўлган 1 дона сариқ рангли қутида сақлаб, шу куни Сеул шаҳридан “Сеул-Тошкент” йўналишидаги №573-сонли авиарейс билан ҳаракатланиб, шу куни Тошкент шаҳрига келиб, юқоридаги дори воситаларини “Ислом Каримов” номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти чегара божхона пости орқали, божхона назоратидан яшириб, декларациясиз Ўзбекистон Республикасига контрабанда йўли билан олиб кирган вақтида, “Ислом Каримов” номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти чегара божхона пости ходимлари томонидан жиноят устида ушланиб, ундан 300 дона “Прегеава капсулы 300 мг Прегебалин” номли дори воситалари ашёвий далил тариқасида олинган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Марказий божхона лабораториясининг 2025 йил 04 январь кунги №10(25)-сонли ҳулосасида, А.И.Атоевдан ашёвий далил тариқасида



олинган 300 дона “Превага капсулы 300 мг Прегебалин” таркибида “Превабалин” кучли таъсир қилувчи модда борлиги ҳамда унинг жами оғирлиги 90 граммга тенг эканлиги акс эттирилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Атоев Ақобир Исроилович айбига тўлиқ иқрорлик билдириб ўзининг кўрсатувида, ҳақиқатдан ҳам 2019 йил март ойида ишлаш мақсадида Жанубий Корея Республикаси, Сеул шаҳрига бориб, у ерад қурилиш ишларида ишлаб келаётганлигини, Корея давлатига бориш учун “бизнес виза” олганлиги сабабли ҳар ой Корея Республикасидан яшаш манзилига келиб кетишлигини, 2024 йил 28 ноябрь куни яна ишлаш мақсадида “Тошкент-Сеул” йўналиши бўйича ҳаракатланиб, шу куни Жанубий Корея Республикаси Сеул шаҳрига борганлигини, Сеул шаҳридан автомашина орқали ҳаракатланиб, Ангсон шаҳрига борганлиги ва Ангсонг шаҳрида қурилиш ишларида ишлаганлигини, 2024 йилда Сеул шаҳридаги аэропортда Ўзбекистон Республикасига бориш учун божхона назоратидан ўтиши давомида, ўзини Тошкент шаҳридан деб таништирган “Соли” исмли шахс билан танишиб қолганлигини, у билан 3-4 марта Сеул шаҳридаги аэропортда учрашиб, ўзаро мулоқотлар олиб борганлигини, 2024 йил 28 декабрь яшаш манзилига қайтиш мақсадида Сеул шаҳридаги аэропортга келиб, тегишли тартибда текширувдан ўтишни бошлаганлигини, текширувдан ўтиши давомида, яна “Соли” билан учрашиб қолганлигини, унга Ўзбекистон Республикасига қайтаётганлиги ҳақида маълум қилганида, унга 1 дона сариқ рангли қутини кўрсатиб, ушбу қути ичида оила-аъзолари учун янги йил байрамига совға борлигини ҳамда ундан ушбу қутини ўзи билан биргаликда Ўзбекистон Республикасига олиб кетишини, Тошкент шаҳрида қутини “Абдулазиз” исмли шахс қабул қилиб олишини айтганлигини, рози бўлганида унга “Абдулазиз”нинг уяли алоқа рақамини берганлигини, сўнг 1 дона сариқ рангли қутини олиб, божхона назоратидан ўтиб, “Сеул-Тошкент” йўналиши бўйича ҳаракат қилиб, Тошкент шаҳрида жойлашган халқаро аэропортга келганлигини, “Тошкент” халқаро аэропортда “яшил” йўлакни танлаб, божхона назоратидан ўтишни бошлаганлигини, божхона назоратидан ўтиши давомида, ўзига тегишли бўлган 1 дона багаж сумкаси ва “Соли” томонидан бериб юборилган 1 дона сариқ рангли қутини рентген аппаратида ўтказганлигини, божхона назорати давомида, божхона ходимлари унга тегишли бўлган багаж сумкани текширувдан ўтиш давомида муаммо бўлаябди деб ушбу багажини ҳамда “Соли” томонидан бериб юборилган сариқ рангли қутини 2 нафар холислар иштирокида божхона кўригидан ўтказишларини маълум қилганлигини, божхона кўриги давомида, “Соли” томонидан бериб юборилган сариқ рангли қути ичида, кийим-кечак, кофе ва бошқа турдаги егуликлар ва 10 дона оқ рангли, устида қорейс тилида ёзилган дори қутилари борлиги маълум бўлганлигини, 10 дона қутилар очиб кўрилганда ичида 30 донадан жами 300 дона купсулалар борлиги аниқланганлигини, божхона ходими Интернет ёрдамида дориларнинг қутисини устига қорейс тилида ёзилган ёзувни таржима қилинганда “Превага капсулы 300 мг (Превабалин)” номли дори воситалари эканлиги маълум бўлганлигини, божхона ходими унга ушбу дори воситаларни усида текшириб кўришни маълум қилиб, алоҳида пакетга солиб муҳрлаб,



бу хусусда тегишли баённомаларни расмийлаштириб, ундан ҳолат бўйича тушунтириш хатини олганлигини, сўнг унга “Соли” томонидан бериб юборилган 1 дона сариқ рангли қутидаги бошқа товарларни қайтариб берганлигини, аэропортдан чиқиб “Абдулазиз”га қўнғироқ қилиб, “Соли”нинг Жанубий Корея Республикасидан нарсалар бериб юборганлигини айтганлигини, орадан бироз вақт ўтганидан “Абдулазиз” келганлигини, “Абдулазиз”га юқоридаги ҳолатларни маълум қилганида, у бирор нарсадан хабари йўқлиги, фақат юборилган нарсаларни қабул қилиб олиш учун келганлигини айтганлигини, кейинчалик у “Соли” билан сариқ рангли қути ичида 300 дона “Прегава капсулы 300 мг (Прегабалин)” номли дори воситалари аниқланганлиги ҳамда аэропортда божхона ходимлари томонидан олиб қўйилганлигини маълум қилганида, у бериб юборган сариқ рангли қутини таниши “Саидахмад” исмли шахс бериб юборганлиги маълум қилиб, унга “Саидахмад”нинг “Telegram” мессенжеридаги рақамини берганлигини, “Telegram” мессенжери орқали “Саидахмад” билан дори воситаларини божхона ходимлари психотроп моддаси деб ўйлаб олиб қолганлигини айтганида, ушбу дориларни Ўзбекистонга олиб кириш таҳқиқланмаганлиги ҳамда ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини маълум қилганлигини, у муқаддам “Саидахмад” билан алоқа қилмаганлиги сабабли у ҳақда бирор маълумота эга эмаслигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, шу сабабли унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни билдириб баёнот берди.

-шунингдек, судланувчи А.И.Атоевнинг жиноят содир этганликдаги айби, жиноят иш ҳужжатларида мавжуд бўлган, яъни 2024 йил 29 декабрь кунги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги, маъмурий йўл билан ушлаб туриш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни кўрикдан ўтказиш ва ундаги ашёларни кўздан кечириш, кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақида баённомалар ҳамда иловалари билан, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси Марказий божхона лабораториясининг 2025 йил 4 январь кунги №10(25)-сонли хулосаси билан, кучли таъсир қилувчи 300 дона “Прегава капсулы 300 мг Прегабалин” номли дори воситаларини ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда жиноят иш материалларига қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарори билан, жиноят ишининг қисмини материал тарикасида ажратиш ва текшириш учун юбориш тўғрисидаги қарори, тушунтириш ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Атоев Ақобир Исроиловичнинг қасддан божхона назоратидан яшириб, декларациясиз, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан контрабанда йшли билан ўтказишда ифодаланган ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Атоев Ақобир Исроиловичнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Атоев Ақобир Исроиловичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошида “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган бош қомус талабларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, 37-моддасида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи Атоев Ақобир Исроиловичнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, оилавий шароитини, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни, содир этган қилмишидан чин кунгилдан пушаймон эканлигини, илгари судланмаганлигини, қарамоғида вояга етмаган уч нафар фарзандлари борлигини, қилмишининг оқибатларини англаб етганлигини, зарар мавжуд эмаслигини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳуқуқий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак”лиги ҳақидаги инсонпарварлик принципига риоя этиб, уни жамиятдан ажратилмаган ҳолда қайта тарбиялаш имконияти мавжуд эканлигини эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини тадбиқ қилиб, ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ, яъни жарима жазоси жазоси тайинлашликни, жарима миқдорини эса ЖКнинг 13-моддасидан келиб чиқиб жиноят содир этган вақтдан бошлаб ҳисоблашликни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган ва экспертиза тадқиқотидан қолган 180 дона “Прегеава капсулы 300 мг Прегебалин” номли кучли таъсир қилувчи дори воситалари ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин тегишли тартибда йўқ қилишликни лозим деб топади.



Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд ҳукми қилади

### **Ҳ У К М :**

Судланувчи **Атоев Ақобир Исроилович** (Atoyev Akobir Isroilovich)ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари, яъни 37.500.000 (ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин ва давлат даромадига ундирилсин.

Атоев Ақобир Исроиловичга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуқуқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва ДХХ Самарқанд вилояти бўйича бошқармасида сақланиб келинаётган 180 дона “Прегебава капсулы 300 мг Прегебалин” номли кучли таъсир қилувчи дори воситалари ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукми эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукми нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукми қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:** /имзо/ **З.Ахмедова**

**“аслига тўғри”**

**Жиноят ишлари бўйича Самарқанд  
шаҳар судининг судьяси:**

**З.Ахмедова**

